

4-МОДУЛЬ. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

4.1-ИЛОВА

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:



4.2-ИЛОВА

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Сайловолди ташвиқоти қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

ОАВ, шу жумладан телевидение, радио, газета ва журналлар, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация (шу жумладан, Интернет) тармоқлари орқали;



босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чоп этиш ҳамда тарқатиш;



сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш.



Демак, куйидагилар номзодга оид ёки унинг учун овоз беришга чорловчи **САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ МАТЕРИАЛЛАРИ** ҳисобланади:

босма, кўргазмали, аудиовизуал материаллар;

плакатлар, баннерлар, варақалар;

ОАВда қўйиладиган видео ва аудио роликлар.

УНУТМАНГ!

Депутатликка номзодларнинг автобиографик маълумотлари ва уларнинг сайловолди дастурлари тўғрисидаги тегишинча МСК, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг ахборот материаллари (плакатлари) сайловолди ташвиқоти материаллари ҳисобланмайди.

4.3-ИЛОВА

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ БЎЙИЧА МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ТАЛАБЛАР:

1. Сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзод сайлов кампаниясида иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг ҳажми МСК томонидан тенг улушларда белгиланади ва сиёсий партия тасарруфига етказилади.

2. Сайловолди ташвиқоти бошлангунга қадар сиёсий партиялар томонидан ўзининг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисида тушунтириш ва тарғибот ишларини сиёсий партияни ёки унинг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этмаган (чақирмаган) ҳолда ўз маблағлари ҳисобидан, шу жумладан ҳомийлик маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши мумкин.

3. Босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммалар, босма маҳсулотнинг электрон кўринишлари ва бошқа сайловолди ташвиқоти материалларини тўсиқларсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун депутатликка номзодларга ва сиёсий партияларга тенг шартлар яратиб берилади.

4. Сайловолди ташвиқоти материаллари Ўзбекистонда тайёрланиши керак.

Эслатиб ўтамиз:

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари (сайлов кунидан икки кун олдин) жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материалларини сайлов куни ва овоз беришдан бир кун қолганида олиб қўйилиши мажбурий ҳисобланмайди.

Сайловолди ташвиқотини ўтказиш мақсадида
ОАВдан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти
ҚУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАНАДИ:



Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловлар
бўйича – сайловда иштирок этишга ижозат берилган
сиёсий партияларнинг республика органлари билан
келишган ҳолда МСК томонидан;

Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари
депутатлигига сайловлар бўйича – сайловда иштирок
этишга ижозат берилган сиёсий партияларнинг ҳудудий
органлари билан келишган ҳолда вилоят сайлов
комиссиялари томонидан:

Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига
сайловлар бўйича – сайловда иштирок этишга ижозат берилган
сиёсий партияларнинг туман ва шаҳар органлари билан келишган
ҳолда туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан.

Комиссия қарорида қуйидагилар белгилаб берилади:

эфир вақти ёки чоп этиш майдони бепул тақдим этиладиган давлат ОАВ рўйхати;

сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун депутатликка номзод ва сиёсий
партияларга давлат (республика ва маҳаллий) теле- ва радиоканалларидаги бепул
эфир вақти ҳажми, шунингдек улар эфирига узатиладиган вақт;

сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун депутатликка номзодларга ва сиёсий
партияларга давлат (республика ва маҳаллий) нашрларидаги бепул чоп этиш
майдони ҳажми, шунингдек улар босилиб чиқадиган кунлар;

сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка
номзодларнинг ОАВда чиқиш навбати.

**Давлат ОАВда бепул тақдим этиладиган эфир вақти ва чоп этиш майдони
ҳажми ҳамда вақти тегишли ОАВ билан олдиндан келишиб олинади.**

ЁДИНГИЗДА

САЙЛОВ ОЛДИ ТАШВИҚОТИДА ТАЪҚИҚЛАНАДИ:

- овоз бериш куни ва бир кун олдин сайловолди ташвиқотини олиб бориш;
- сиёсий партиянинг дастури, сайловолди платформасини давлат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратиш;
- халқнинг саломатлиги ҳамда маънавиятига таҳдид солиш, урушни, миллий нафратни, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилиш, конституциявий тузумни зўрлик ишлатиб ўзгартириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи ҳаракатларга даъват қилиш;
- сайлов комиссиялари аъзолари томонидан партия рамзлари туширилган кийим кийиш, тақинчоқ тақиш ва бошқа белгилардан фойдаланиш;
- хайкаллар ва ёдгорликлар, сайлов комиссияси бинолари, овоз бериш хоналарига босма сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш;
- депутатликка номзодларга қонунчиликка зид бошқа манбалардан пул маблағларини ўтказиш (киритиш), товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклида молиявий таъминлаш ва бошқача тарзда молиявий қўллаб-қувватлаш;
- сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматидан ташқари), пул тарқатиш билан бирга ташвиқотни қўшиб олиб бориш, нотўғри ахборотни, номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш.

МУМКИН ЭМАС:

– сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим этган депутатликка номзод, унинг ишончли вакиллари ёки номзодни кўрсатган сиёсий партиянинг розилигисиз тахрир қилиниши;

– бир депутатликка номзодга, сиёсий партияга тақдим этилган бепул эфир вақти ёки чоп этиш майдонидан бошқа номзод ва сиёсий партия фойдаланиши.